

БУХОРО ВИЛОЯТ СУДИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА  
СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ АПЕЛЛЯЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ  
А Ж Р И М И

2024 йил апрель ойининг 24 кунда Бухоро вилоят суди биносида, жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг очик суд мажлисида;  
Раислик қилувчи: Н.Жураев,

Ҳайъат аъзолари: С.Ҳамроқулов ва Ш.Тўхтаевдан иборат таркибда, А.Амоновнинг котиблигида, тарафлардан Бухоро вилоят прокуратурасининг судларда прокурор ваколатини таъминлаш бўлим прокурори Ҳ.Абдиев, судланувчи З.Остонова ва унинг ҳимоячиси-адвокат А.Ғаниевнинг иштирокида, жиноят ишлари бўйича Жондор туман судининг 2024 йил 13 мартдаги ҳукмига нисбатан Жондор туман прокурори томонидан билдирилган протест ва судланувчи З.Остонова томонидан берилган шикоят асосида жиноят ишини апелляция тартибида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Жиноят ишлари бўйича Жондор туман судининг 2024 йил 13 мартдаги ҳукмига кўра;

1981 йил 06 июль кунда Бухоро шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти олий, оилали, икки нафар фарзанди бор, Бухоро шаҳридаги 7-сонли оилавий поликлиникада врач акушер-гинеколог вазифасида ишловчи, муқаддам:

1. Жиноят ишлари бўйича Бухоро шаҳар судининг 2011 йил 29 мартдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 105-моддаси 2-қисмининг “и” банди билан 3 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазосига судланиб, ЖИБ Бухоро шаҳар судининг 2012 йил 18 январдаги ажрими билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг

2011 йил 5 декабрдаги “.....амнистия тўғрисида”ги Қарорига асосан жазодан озод қилинган,

2. Жиноят ишлари бўйича Бухоро шаҳар судининг 13.04.2012 йилдаги ажримига кўра, ЖК 114-моддасининг 1-қисми билан жиноят иши Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2011 йил 5 декабрдаги “.....амнистия тўғрисида”ги Қарорига асосан тугатилган,

3. Жиноят ишлари бўйича Бухоро шаҳар судининг 2018 йил 24 августдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси

ЖК 114-моддасининг 1-қисми, 168-моддаси 3-қисмининг “в” банди, 28,211-моддасининг 1-қисми билан ЖК 59,61-моддалари тартибида 3 йил муддатга озодликни



чеклаш жазосига судланиб, ЖИБ Бухоро шаҳар судининг 2020 йил 23 апрелдаги ажрими билан ЖК 73-моддасига асосан ўталмаган 1 йил 4 ой 27 кун озодликни чеклаш жазосидан муддатидан илгари шартли озод қилинган, Бухоро шаҳар, “Т.Фароғий” кўчаси, 30-уй, 70-хонадонда яшовчи, иш бўйича “муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” эҳтиёт чораси қўлланилган айблов хулоса ва ҳукм нусхасини олган Остонова Зилола Тураевнага

Ўзбекистон Республикаси ЖК 114-моддасининг 1-қисми билан ҳар ойлик иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда билан 1 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланиб, ЖКнинг 45-моддасига асосан 2 йил муддатга акушер гинеколог вазифасида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилинган ҳолда,

ЖК 227-моддаси 2-қисмининг “а” банди билан 3 йил озодликни чеклаш жазоси тайинланиб, ЖК 59-моддаси тартибида тайинланган енгилроқ жазони оғирроғи билан қоплаш йўли билан узил-кесил 2 йил муддатга акушер гинеколог вазифасида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиш, куннинг соат 22<sup>00</sup>дан эрталаб соат 07<sup>00</sup>гача яшаш жойидан чиқишни чеклаган ҳолда 3 йил озодликни чеклаш жазоси тайинланган.

Суднинг ҳукмига кўра, судланувчи З.Остонова, жиноий равишда ҳомила тушириш (аборт) ва муҳим шахсий ҳужжатларни яшириш жиноятини содир қилган.

Чунончи, у 2021 йил 04 октябрдан ҳозирги кунга қадар Бухоро шаҳар 7-сонли оилавий поликлиникасида акушер-гинеколог лавозимида ишлаб келиб, мансаб йўриқномасига асосан даволаш муассасаларидан ташқари жойда Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 11 мартдаги “Фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш тўғрисида”ги Қонун ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг 2020 йил 12 июндаги “Ҳомиладорликни сунъий равишда тўхтатишни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги буйруғи талабларини кўпол равишда бузиб, 2022 йил 14 апрель куни акушерлик-гинекологик муассаса қошида бўлмаган Бухоро шаҳар 7-сонли оилавий поликлиникада Умида Абсалованинг ҳомиласини жарроҳлик усули билан сунъий равишда туширган.

Шунингдек, у ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, Умида Абсалованинг ҳомиласини сунъий равишда туширганлиги учун хизмат ҳақи сифатида 300 АҚШ доллари талаб қилиб, тегишли пулни ололмаганлиги сабабли унинг фуқаролик паспортини гаров сифатида олиб қўйиб, талаб қилинган пул маблағи берилмаганлиги боис фуқаролик паспортини унинг қариндошлари ёки торгов органига тақдим қилмасдан яширган.

Протестда, биринчи босқич суд ҳукми билан З.Остонова ЖК 114-моддасининг 1-қисми билан айбли деб топилиб, жавобгарликка тортилганлигини, ушбу жиноят ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар туркумига кириши, ишни апелляция инстанциясида кўриш вақтига келиб, ушбу жиноятнинг содир этилганлигига икки йилдан ортиқ муддат ўтиб, жавобгарликка тортиш муддати ўтганлигини билдириб, суд ҳукмини ўзгартириб, уни ушбу модда билан жавобгарликдан озод қилиш сўралган.



Судланувчи З.Остонова томонидан келтирилган шикоятда, айбсизлиги ҳақида важлар келтирилиб, суд ҳукмини бекор қилиб, унга нисбатан оқлов ҳукми чиқариш сўралган.

Судлов ҳайъати, иш бўйича вилоят суди судьяси Ш.Тўхтаевнинг маърузасини, прокурор Ҳ.Абдиевнинг келтирилган протестни қаноатлантириб, шикоятни рад қилиш ҳақидаги, судланувчи З.Остонова ва унинг ҳимоячиси-адвокат А.Ғаниевларнинг келтирилган шикоят ва протестни қаноатлантириш ҳақидаги фикрларини тинглаб, шикоятдаги важларни жиноят иши ҳужжатлари билан бирга таҳлил қилиб, қуйидаги асосларга кўра, биринчи босқич судининг З.Остоновага оид ҳукмини ўзгартиришни лозим топди.

Апелляция суд мажлисида сўроқ қилинган судланувчи З.Остонова ўз кўрсатувида, Амонова Гулмирани олдиндан танишини, 2022 йил тахминан апрель ойи ўрталарида акаси унга кўнғироқ қилиб, Амонова Гулмира уни сўраб келганлигини, ундан эҳтиёт бўлишни тайинлаганлигини, шу куни Амонова Гулмира унга нотаниш бўлган ёш қиз билан бирга у ишлайдиган Бухоро шаҳридаги 7-сонли оилавий поликлиникага келиб, ёнидаги қизни кўрсатиб, қорнида ҳомиласи борлигини, турмушга чиқмаган қиз бола эканлигини, уни ҳомиласини аборт қилиш ҳақида илтимос қилганлигини, унга рад жавобини бериб хонасидан чиқариб юборганлигини, 2023 йил тахминан январь ёки февраль ойида унга ўзини Жондор туманидаги маҳалла фуқаролар йиғини раиси деб таништирган киши кўнғироқ қилиб, қанақадир паспортни беришни сўраганлигини, шунда унга бирор кишини паспортни олмаганлигини ва паспорт унда эмаслигини айтганлигини, 2023 йил тахминан март ойи бошларида ўзларини ички ишлар ходими деб таништирган бир неча киши уйига келиб, ундан Абзалова Умида исмли қизни паспортини сўрашганлигини, уларга У.Абзаловани танимаслиги ва паспортини унда эмаслигини айтганлигини, ИИБ ходимлари уни уйи ва иш хонасини кўздан кечирганликларини, аммо паспортни топа олмаганликлари, буларнинг барчаси унга нисбатан тухмат бўлиб, айбсиз эканлигини билдирди.

Апелляция суд мажлисида сўроқ қилинган гувоҳ Амонова Гулмира Гулмуродовна ўз кўрсатувида, Остонова Зилола билан бир қишлоқдан эканлигини, уни ёшлигидан танишини, Абзалова Умида эса турмуш ўртоғининг қариндоши бўлишини, 2022 йил тахминан февраль ойида Абзалова Умида унга Жасур исмли киши у билан мажбуран жинсий алоқада бўлганлигини, ҳозирда ҳомиладор эканлигини билдириб, ҳомиласини туширишда ёрдам беришни сўраганлигини, шунда улар бирга Остонова Зилола ишлайдиган Бухоро шаҳридаги 7-сонли поликлиникага борганлигини, З.Остонова билан учрашиб, У.Абзалова УЗИ текширувидан ўтказганда ҳомиласи борлиги аниқланганлигини, шунда З.Остонова уларга айтгани учун У.Абзалова аптекадан резина қўлқоп ва новокаин дорисини сотиб олиб, З.Остонова билан бирга гинекология хонасига кирганлигини, тахминан 20 минутлардан кейин шу хонага бориб эшикни очганида, З.Остонова унга ҳомилани аборт қилганлиги ҳақида айтганлигини ва У.Абзаловани паспортини олиб қолганлигини, У.Абзаловага қандайдир дорилар қабул қилишни айтганлигини, шу куни У.Абзалова гинеколог хонасидан ҳолсиз, дард чеккан ҳолда чиққанлигини, уни такси автомашинасида олиб кетганлигини, шу куни У.Абзалова З.Остонова билан ҳомиласини обор қилиш учун қанча пулга келишганлигини гувоҳи бўлмаганлигини, аммо У.Абзалова гаровга паспортини берганлигини кўрганлигини билдирди.



Апелляция суд мажлисида сўроқ қилинган гувоҳ Ҳайитов Ғайбулло ўз кўрсатувида, Жондор туманидаги “Истиклол” МФЙ раиси вазифасида ишлаб келишини, 2023 йил тахминан февраль ойи охирларида Абзалова Умида маҳалла биносига акаси Абзалов Акмал ва Якубов Жасурлар ўртасида бўлган жанжал масаласида келганлигини, у билан суҳбатда муаммолари борлигини сезиб, МФЙ хотин қизлар билан ишлаш учун масъул М.Рамазоновага суҳбатлашишни айтганлигини, М.Рамазонова У.Абзалова билан алоҳида хонага гаплашиб, бир оздан олдига келиб, унга У.Абзаловани Ж.Якубов бир йил олдин номусига текканлигини, шунда ҳомиладор бўлганлиги, кейин таниши Гулмира билан Бухоро шаҳридаги қайсидир поликлиникага бориб ҳомиласини туширганлигини, врачга келишилган хизмат ҳақини тўлиқ бермаганлиги сабабли фуқаролик паспортини гаровга олиб қолганлигини айтганлигини, шунда У.Абзаловадан М.Рамазонова орқали уни аборт қилган врачни телефон рақамини олиб кўнғироқ қилганлигини, гўшакни олган аёл кишидан У.Абзаловани паспортини сўраганида, ўзини гинеколог врач деб таништирган аёл кўп аёллар уни олдига келганлигини, У.Абзаловани эслаб билмаслигини айтиб, телефон гўшагини қўйганлигини билдирди.

Судланувчи З.Остонова гарчи ўзига қўйилган айбга иқрорлик билдирмаган бўлса-да, унинг айби суд мажлисида сўроқ қилинган гувоҳларнинг кўрсатувлари, шунингдек жиноят ишида мавжуд ариза, юзлаштириш баённомалари, телефонларига кириш-чиқиш кўнғироқлари маълумотномаси, судга оид тиббий экспертиза хулосаси ҳамда ҳамда бошқа далиллар йиғиндиси билан исботланган бўлиб, ушбу далилларга суд ҳукмида атрофлича баҳо берилган.

Судланувчи З.Остонова томонидан айбсизлиги ҳақида келтирилган важлар қуйидаги асослар билан рад этилади.

Суд мажлисида сўроқ қилинган Г.Амонова, Ғ.Ҳайитов ва М.Рамазоноваларнинг кўрсатувида кўра, 2022 йил апрель ойи ўрталарида З.Ҳайитова ўзи ишлайдиган Бухоро шаҳридаги 7-сонли оилавий поликлиникада У.Абзаловани ҳомиласини аборт (сунъий усулда туширган) қилган ва хизмат ҳақи берилмаганлиги сабабли унинг фуқаролик паспортини гаровга олиб қолган.

Марҳум У.Абзалова томонидан 2023 йил 23 февралда, яъни ўз жонига қасд қилишдан олдин Жондор туман ИИБ бошлиғи номига ёзиб қолдирган аризасида, Ж.Якубов уни зўрлаб номусига текканлиги, у ҳомиладор бўлганлиги, 2022 йил 14 апрель куни ҳомиласини доктор туширганлигини, докторга беришга пули бўлмаганлиги сабабли паспортини гаровга қолдирганлиги билдирган.

Ички ишлар ходимлари томонидан 2023 йил 4 март кунида З.Остоновага У.Абзалованинг фуқаролик паспортини топшириш ҳақидаги талабларига бўйсунмасдан, ушбу фуқаролик паспортини яширган.

Ўзбекистон Республикаси ЖПК 95-моддасининг 1-қисмида, суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд ишдаги барча ҳолатларни синчковлик билан, тўла, ҳар томонлама ва холисона кўриб чиқишга асосланган ҳолда қонунга ва ҳуқуқий онгга амал қилиб ўзларининг ички ишончлари бўйича далилларга баҳо беришлари, ҳар бир далил ишга алоқадорлиги, мақбуллиги ва ишончлилиги нуқтаи назаридан баҳоланиши лозимлиги белгиланган.

Юқоридагиларга асосланиб судлов ҳайъати судланувчи З.Остонова томонидан айбсизлиги ҳақида келтирилган важларни ишнинг ҳақиқий ҳолатларига тўғри келмайди, ишончга сазовор эмас, жавобгарликдан қутулиш мақсадида келтирилган важлар деб баҳолайди.



Биринчи босқич суди судланувчи 3.Остонованинг ҳаракатларини Ўзбекистон Республикаси 114-моддасининг 1-қисми ва 227-моддаси 2-қисмининг “а” банди билан тўғри квалификация қилиб, унга содир этган жиноятлари учун содир этилган жиноят моддалари учун белгиланган жавобгарлик моддалари санкцияси доирасида жазо тайинлаб, ЖК 45-моддаси асосида қўшимча жазо тайинлаб, ЖК 59-моддаси тартибида тайинлаган жазоларни қисман қўшиш йўли билан узил-кесил жазо тайинлаш хусусида асосли хулосага келиб, адолатли жазо тайинлаган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 64-моддаси 1-қисмининг “а” бандида, ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят содир этилган вақтдан бошлаб икки йил ўтган бўлса шахс жавобгарликдан озод этилиши лозимлиги белгиланган.

Ишни судда кўришда аниқланган ҳолатларга кўра, 3.Остонова томонидан 2022 йил 14 апрель кунида У.Абзалованинг ҳомиласи сунъий усулда туширилган ва ушбу жиноят бажарилган вақтда тугалланган ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 15-моддасига кўра, ЖК 114-моддасини 1-қисми ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят ҳисобланади.

Ишни апелляция инстанциясида кўриш вақтига келиб, 3.Остонова томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖК 114-моддасининг 1-қисми билан содир этилган жиноят учун жавобгарликка тортиш муддати ўтиб кетган.

Шунга мувофиқ судлов ҳайъати, судланувчи 3.Остоновага нисбатан биринчи босқич суд ҳукмини ўзгартириб, уни Ўзбекистон Республикаси ЖК 114-моддасининг 1-қисми билан тайинланган жазодан ЖКнинг 64-моддаси 1-қисмининг “а” бандига асосан озод қилиб, ЖК 227-моддаси 2-қисмининг “а” банди тайинланган жазони ўзгаришсиз қолдирилган ҳолда унга нисбатан ЖК 59-моддаси тартибида тайинланган жазони бекор қилишни ва суд ҳукмининг қолган қисмини ўзгаришсиз қолдиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 482-483, 485,495, 497<sup>15-18</sup>, 497<sup>26</sup>, 497<sup>31</sup>-моддаларига амал қилиб, апелляция инстанцияси судлов ҳайъати:

#### А Ж Р И М Қ И Л Д И :

Жиноят ишлари бўйича Жондор туман судининг 2024 йил 13 мартдаги Остонова Зилола Тураевнага оид ҳукми ўзгартирилсин.

Судланувчи Остонова Зилола Тураевна Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 64-моддаси 1-қисмининг “а” бандига асосан ЖК 114-моддасининг 1-қисми билан тайинланган жазодан озод қилинсин.

Судланувчи Остонова Зилола Тураевнага Ўзбекистон Республикаси ЖК 227-моддаси 2-қисмининг “а” банди тайинланган жазо ўзгаришсиз қолдирилган ҳолда унга нисбатан ЖК 59-моддаси тартибида тайинланган жазо бекор қилинсин.

Суд ҳукмининг қолган қисми ўзгаришсиз қолдирилсин.

Келтирилган протест тўлиқ, апелляция шикояти қисман қаноатлантирилсин.

Ажримдан норози томон, Бухоро вилоят судига тафтиш тартибида шикоят беришга ёки протест билдириш ҳуқуқига эга бўлган шахслар протест келтиришга ҳақли.

Раислик қилувчи:

/имзо/

Н.Жураев



Ҳайъат аъзолари :  
С.Ҳамроқулов

/имзо/

/имзо/

Ш.Тўхтаев

Нусхаси аслига тўғри:

Ш.Тўхтаев

**Маърузачи: Тўхтаев Шухрат Амонжонович**



Ҳужжат имзоланган: Тўхтаев Шухрат Амонжонович, 27.04.2024

